

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

484 Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларини таъминлаш ҳамда имкониятлари чекланган болаларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Тошкент ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежига ва Самарқанд ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи мақомини бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент ихтисослаштирилган саноат касб-хунар коллежига ва Самарқанд ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни, ўқув-тарбия ва реабилитация жараёнини ташкил қилиш, молиялаштириш ва моддий-техник таъминот шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Тошкент ва Самарқанд ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида ўқув-тарбия ва реабилитация жараёни ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ҳар йили Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига назарда тутилган маблағлар доирасида Тошкент ва Самарқанд ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширсин;

Тошкент ва Самарқанд ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларининг штатлар жадвалларини шакллантиришда ва овқатлантиришни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари учун қўлланиладиган намунавий штатларига ва озик-овқат маҳсулотлари нормаларига амал қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари Тошкент ва Самарқанд ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларининг харажатлар сметаларида ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда зарур бюджет маблағларини назарда тутсинлар.

4. Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари кўрсатиб ўтилган касб-хунар коллежлар ошхоналарини уларда иссиқ овқат ташкил этиш учун кенгайтириш ва савдо-техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш чоратадбирларини кўрсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 6 сентябрь,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 6 сентябрдаги 243-сон қарорига
ИЛОВА

**Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган
касб-хунар коллежлари тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартириш**

1. 4-бандга «жисмоний» сўздан кейин «ва ақлий» сўзлари қўшилсин.

2. 10-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10. Коллежга ўқувчилар жинси, тили, ёши, ирки, миллати, диний мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши, машғулотининг тури, ижтимоий мавқеи, яшаш жойи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча муддат яшаганлигидан қатъи назар, қуйидаги тартибда қабул қилинадилар:

ногирон бўлган ўқувчилар — меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг йўлланмаси бўйича;

«енгил даражада ақлий заиф» ташхиси қўйилган ўқувчилар — халқ таълими ҳудудий органлари ҳузуридаги психологик-тиббиёт-педагогик комиссия йўлланмаси бўйича».